

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины – здоровье

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

2008 йил 17-23 октябрь № 41 (609)

Жума кунлари чиқади

Халқаро конференция

СОҒЛОМ ОНА, СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИ

Жорий йилнинг 14 октябрь кuni пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ижтимоий Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди томонидан «Ўзбекистон Республикасида соғлом оналик ва болаликни тарғиб этиш соҳасидаги ижтимоий ташаббуслар» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.



Конференция ишида мамлакатимиз вакиллари билан бир қаторда Австрия, Франция ва Исроил давлатларидан келган мутахассислар иштирок этдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров фикрларини билдирдилар. Анжуман давомида хорижлик мутахассислар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Сенат аъзолари ва бир қанча жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳаза-



иштирок этиб, республика тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар ҳамда эришилаётган ютуқлар, шунингдек, келгусидаги вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, мазкур халқаро конференцияда Фонд томонидан амалга ошириб келинаётган «Соғлом она – соғлом фарзанд» лойиҳаси доирасида олиб борилган фаолиятлар хусусида мутахассислар ўз

ларини билдириб, керакли тавсия ва таклифларни кiritишди.

Эътироф этиш керакки, Ижтимоий Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди томонидан тарғиб этилаётган лойиҳалар келажақда ўз маҳсулини бериб, оналар ва болалар соғлигини янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Ҳамкорлик ришталари



Миокард инфаркти... Инсон тақдирининг ҳал қилувчи дақиқалари... Тиббиётнинг яна бир мўъжизаси турли ҳаёл ва хавотир остида ётган беморнинг сўнги умидларига ҳаётбахш лаҳзаларни тухфа эта олиши билан қимматлидир...

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ: ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИ

– Ҳозиргина турмуш ўртоғимни миокард инфаркти ташҳиси билан олиб келишди. Аввал ҳам шундай ҳолат юз берганди. Ранглари оппоқ, ҳаракат қилишга мадорлари йўқ. Сўнги умидимиз фақат шифокорлардан! – дейди тошкентлик Ханифа Исроилова кўзларида ёш билан.

– Хавотирга ўрин йўқ. Турмуш ўртоғингизни кечиктирмасдан операция столига оламыз. Кўрмагандек бўлиб кетади. Хорижлик мутахассис билан бажарадиган амалиётимиз эса у кишининг ҳаётини сақлаб қолишдаги ягона йўлдир, – дейди шифокор Ҳикмат Маджитов.

(Давоми 2-бетда).

Тилга эътибор

МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИФТИХОРИ

«Токи она тилимиз барҳаёт экан, миллат келажаги, равнақи шунчалик мустаҳкам бўлаверади», дея ишонч билдирганди жаҳид тилишусларидан бири. Бу фикрлар қарийб 70 йил давомида ўзбек халқининг юрагида, онгу шуурида муҳрланиб келди. Эркинлик, ҳурфикрлилик навидаси тобора ортди.

Миллий тилимиз, миллий гуруримиз 1989 йилнинг октябрида миллий ифтихор туйғулари билан янада уйғунлашди. Чунки, биз ўзбек тилига давлат тили мақомини бердик. Бу йил ушбу санага 19 йил тўлади.

Мустақиллик. Эркин фикрлик. Миллий тил – миллий гурур. Бу тушунчалар бир-бири билан шунчалик яқинки, унинг замирида бевосита ўзбек халқининг тақдири, ўтмиши ва эртанги келажаги мужассамлашганини кўрамыз. Энг муҳими, Ўзбекистон бугун мустақил давлатлар қаторидан жой олиб, эндиликда ўзининг мавқеи, обрў-эътибори, меҳмондўст халқи, буюк аждодларнинг нодир ме-


роси, миллий ўзлиги-ю, минг йиллик тарихга эга миллий тили билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб эътирофга сазовор бўлаётганлигини фахрланиб гапириш мумкин. Чунки, тил – бу миллат қиёфаси, юртларнинг ўзаро тоғувлик риштаси, келажақнинг узок манзилли истиқболидир. Тарихдан маълумки, она тилимизнинг келажагини сақлаб қолиш, тараққий эттириш учун неча жонларнинг қурбон бўлга-

ни, буюк бобокалонларимизнинг ўттир қаламидан битилган миллий тил сарчашмалари, озодлик ҳаракатлари-ю, тинимсиз кўрсатган жасоратларини бир сўз билан ифодалаш аслида осонмикин?! Йўқ, албатта. Бир шоир айтганидек, ўз тилини йўқотган эл, бу бамисоли тўтининг ўзгинаси, чунки, миллий тилига эга бўлмаган халқ, миллий ўзлигини ҳам йўқотади. Бу ачиққ кинояли ўхшатмалардан ортиқ фожиа бормикан дунёда? Шунинг учун ўзбек халқи бугун ҳар қанча фахрланиб, гурурланиб юрса арзийди. Эътироф этиш жоизки, ҳозирги кунда давлат идоралари, таълим муассасаларида ўзбек тилига асосланган лотин алифбосида иш олиб боришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик ришталари**ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ:
ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИ**

Республика Шошилнч тиббий ёрдам илмий маркази ҳар қандай шарондда олиб келинган бемор ҳаётини сақлаб қолишдаги ягона, тезкор ва ишончли марказлардан бири ҳисобланади. Ангиография бўлими... Бу ерда кимдир юрак ҳовучлаганча беморига шифо тиласа, яна кимдир хорижлик мутахассис билан учрашиш, тиббий маслаҳатлар олишга мушток. Бўлимга кириб борар эканмиз, оғир аҳволда шошилнч операция столига олинган беморнинг соғлиги ва унда ўтказиладиган амалиёт жараёнлари эътиборимизни ўзига тортди. Ролпа-роса қирк беш дақиқа давомида бажарилган операция қандай ўтганлигини билиш нафақат бизни, балки беморнинг оила аъзоларини ҳам қизиқтириши тиббий.



Замонавий технологияларнинг яна бир қулайлиги – операция блокади бажарилаётган амалиётни бевосита ташқи хонада кузатиш ва бемор аҳволини назорат қилиш имконияти мавжудлигидир.

Бўлимдаги навбатдаги операция муваффақиятли чиққанлигини эшитиб, Германия давлатидан ташриф буюрган профессор Фредерик КЕРСТИНГНИ шошилнч операция тортди.

– Операциянинг муваффақиятли чиққанлигига ишончингиз қилинми? Ахир бу қисқа вақт ичида бемор ҳаётини умрбод сақлаб қолиш деганими?!

– Буларнинг бари техниканинг қандай қудрат ва мўъжизага эга эканлигидан далолатдир. Бемор ўткир миокард инфаркти ташҳиси билан коронарография текширувидан ўтказилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

зилгач, унинг ўнг ва чап тож томирларида торайиш ўчоғлари аниқланган. Шунга мувофиқ беморда стентлаш ангиопластик операциясини олиб бордик. Яъни, торайган томирлар махсус стентлар ёрдамида кенгайтирилиб, қон айланиш тизими юз фоизга таъминланди. Ўзбекистонлик ҳамкасбларим ҳамкорлигида амалга оширилган ана шундай операцияларимиз яқин келажакда юқори самараларни кўрсатади.

– Мазкур тиббий ҳамкорликдан қўзланган асосий мақсад нима деб ўйлайсиз?

– Биринчи навбатда коронарография йўналишидаги янгиликларни амалиётга татбиқ этиш, ангиопластик операциялар са-

марадорлигини ошириш ва бу соҳада олиб борилаётган ишлар билан тажриба алмашишдир. Ушбу марказга илк бор жорий йилнинг март ойларида ташриф буюрган эдим. Икки ҳафта мобайнида ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ангиопластик йўналишда кўпгина амалиётларни биргаликда олиб бордик. Айниқса, бўлим мудири Хикмат Маджитовни бу соҳада илгор қадам ташлаётган тажрибали мутахассис сифатида эътироф этмоқчиман.

Хорижлик профессор Фредерик КЕРСТИНГ билан инглиз тилида бемалол суҳбатлаша оладиган бўлим мудири Хикмат Маджитовнинг сўзларига қулоқ тутдик.

– Германиялик профессор бўлимишимизга иккинчи бор ташриф буюриши. У кишининг бевосита ҳамкорлигида юртдошларимиздаги ўткир миокард инфаркти ҳолатлари коронарография қилиниб, махсус баллон ёки стентлар ёрдамида ангиопластик амалиёти ўтказилди. Бўлимишимиз 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, ФИЛИПС русумли ангиография аппарати билан жиҳозланган. Фахр билан айтиш мумкинки, бундай қулайлик ва замонавий технологиялар юртимизнинг иккита шифохонасида, яъни бизда ва Республика ихтисослашган хирургия марказида мавжуд. МДХ давлатлари орасида эса атиги 3-4 та давлатдагина бор ҳолос. Бўлимишимизда асосан миокард



Шифокорлар беморнинг стентлаш ангиопластик операциясидан кейинги аҳволини назорат қилишмоқда.

инфаркти, юрак ишемия ва стенокардия даврини бошдан кечириётган беморларда текшириш, даволаш ишлари олиб борилади. Текшириш давомида ўнг ва чап тож томирларга катетер ёрдамида контраст моддаси юборилиб, томир торайиши ва қон бекилиб қолиш ўчоғлари аниқланади. Кейинги босқич, даволаш жараёнида эса ўша томирлар очилиб, махсус баллон ёки стентлар орқали 70-80 фоизга бекилиб қолган томирлар кенгайтирилади. Энг қизиғи, операция столига олинган беморга маҳаллий нарқоз берилиб, томирлардаги ўзгаришларни бевосита монитор орқали кузатиб туриш имконияти ҳам яратилади. Бу борада йўлга қўйилган тиббий ҳамкорлик мутахассислар тажриба қўлими ошишига хизмат қилади. Жумладан, бўлимишимизга Россия, Новосибирск сингари давлатлардан профессор-олиmlар келиб, мураккаб операция ишларида қатнашганлар. Де-

мак, бу йўналиш ҳали ёш бўлишига қарамасдан, кўплай инсонлар ҳаётини эрта сақлаб қолишда муҳим омил бўлаётганлиги бизни қувонтиради.

Германиялик ва ўзбекистонлик мутахассислар ҳамкорлигида ўтказилган ангиопластик операцияларни кузатиш чоғида шу нарсага амин бўлдики, демак беморларда юрак инфаркти билан боғлиқ ҳолатлар, асоратлар энди кузатилмайдиган. Улар яна қайноқ ҳаёт кучоғига, кўзларида севинч ёши билан кутаётган оила аъзолари орасига қайтадилар.

– Кеча-ю, кундуз юрак соҳасидаги кучли оғриқдан қўзимга уйку келмасди. Асосий муолажам дори-дармон эди. Стентлаш ангиопластик операциясидан кейин эса оғриқлар йўқолиб, ўзимни эркин, гўёки дарддан халос бўлгандек ҳис қилапман, – дейди Хоразм вилояти, Урганч туманидан келган бемор Исроил Байжанов.

Дарҳақиқат, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган бундай ҳамкорлик ишлари ҳали узок вақт марказ фаолиятида давом этади ҳамда соҳа ривожини юксалтиришда ўзининг амалий натижаларини кўрсатади, деб умид қиламиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

Суратлар муаллифи Анваржон САМАДХОДЖАЕВ.



Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Тилга эътибор**МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ИФТИХОРИ**

Ақсарият китобларимиз эса ўзбек тилига таржима қилиниб, миллий гурур, мафкура сингари тушунчалар билан янада уйғунлашмоқда. Дарҳақиқат, даврнинг интеллектуал қиёфасини яратишда ҳам миллий тилимизнинг юксалтириш асрлар оша ўз қадр-қимматини йўқотмай келди. Ҳали-ҳануз бу ҳурмат-эътиборни кўз қорачи-гидек асраб-авайлашимиз зарур. Чунки, ўзбек халқининг азалий орзу-умидларини рўёбга чиқаришда, соф ва миллий тилимизда мустақил фикр

юретишда айнан бу имкониятларни фақат она тилимиз бера олди, десак хато бўлмайди.

Зеро, тил ва миллий тили – ўзлик, эркинлик, фахр-ифтихор, келажак орзуларга етакловчи сарбон дея ҳаққи равишда эътироф этиш мумкин. Ўтаётган ҳар бир мазмунли дақиқамиз, фикру эъқимиз биргина забон, она тилимизнинг гўзал жозибаси билан мунаввар экан, бу фахр туйғусини фақатгина қалбдан ҳис этишимиз жоиздир, деб биламан.

Мухаррам БОЗОРОВА,
М. Турсунхўжаева
номли тиббиёт
коллежи талабаси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Style.uz – 2008: Дизайн ва мода ҳафталиги

Жорий йилнинг 12-17 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Модалар уйи» то-

монидан учинчи бор аънаъанвий тарзда ўтказилаётган «Style.uz – 2008: Дизайн ва мода ҳафталиги» бўлиб ўтмоқда.

**ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТНИНГ
АМАЛИЙ ИФОДАСИ**

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин, йилдан йилга Style.uz мода ва дизайн ҳафталигининг нуфузи, қамрови ва иштирокчилари сони ортиб бормоқда. Дастлабки икки йил давомида унда Россия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан мода оламининг таниқли намоёндалари иштирок этди. Бу йил эса лойиҳа қамрови янада кенгайдиган бўлиб, Style.Uz – 2008нинг нуфузли меҳмонлари қаторидан Австрия, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Исроил, Ҳиндистон, Швейцария, Япония ва Хитойдан йирик халқаро ташкилотлар вакиллари, машҳур дизайнерлар, заргарлик ва мода уйлари эгалари, шоу-бизнес юлдузлари, мода журналлари муҳаррирлари, жамоат арбоблари, соҳадаги йирик бирлашмалар ва телекомпаниялар вакиллари ўрин олиши, ҳафтанинг доирасида эса бир қатор фестивал, танлов, кўргазма ва мастер-классларнинг ўтказили-

ши тадбирнинг қанчалик обрў-эътиборга муносиб эканлигидан далолат беради. Хусусан, Тошкент подиумларида Sisi Wasabi (Германия), Wolford (Австрия), DSQUARED2 (Италия), Revillon (Франция), Guy Laroche (Франция), Алена Ахмадулина (Россия), Юлия Далакян (Россия), Норио Сурикабе (Япония), Сунит Варма (Ҳиндистон), Пекин Либос Технологиялари институти (Хитой) каби соҳанинг нуфузли вакиллари халқаро миқёсда эътироф этилган тўпмаларини намойиш этишди. Ҳафтанинг нуфузли меҳмонлари қаторидан жаҳон мода санъати афсонаси Такада Кензо (Япония), дунёнинг етакчи мода фотоусталаридан бири Андрэ Пау (Фран-

ция), Bundestheatre театрлар бирлашмаси ижрочи директори Георг Шпрингер (Австрия), европалик таниқли расом Михаил Фукс (Австрия), машҳур қўшиқчи Шарль Азнавур (Франция) қабилар ҳам ўрин олишди. Ҳафтанинг давомида пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да тўқимачилик соҳадаги сўнгги ютуқлар, таниқли брендларнинг либос, пойабзал ва аксессуарлари, ёш дизайнерларнинг эътирофга лойиқ ишлари, жумладан, интернет дизайни ҳамда веб-дизайн соҳасидаги ижод намуналари, шунингдек, жаҳон модасининг тенденциялари намойиш этилди.

Ушбу нуфузли тадбирнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унда таниқли дизайнерларнинг нафақат асарларини томоша қилиш, балки улар билан шахсан мулоқотда бўлиш имконияти ҳам яратилди. Аънаъага кўра, хорижий меҳмонларнинг ақсарияти Тошкентда маҳорат дарсларини ўтказиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Намоз ТОЛИПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2008 йил 8 сентябрь

№ 403

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига кўрсатилаётган наркологик ёрдамни такомиллаштириш тўғрисида

**“Наркотик моддаларнинг суистеъмоли ва ноқонуний ай-
ланишига қарши кураш бўйича 2007-2010 йилларга
мўлжалланган комплекс чоралар” Дастурини бажариш, хиз-
матлар рўйхатини кенгайтириш, замонавий тиббий-ижти-
мий реабилитация концепциясига мувофиқ, сурункали
алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик билан касалланган
беморларни даволаш сифатини ва самарасини ошириш мақ-
садида**

ТАСДИКЛАЙМАН:

1. Вилоят наркология диспансерлари ва наркология ши-
фохоналарида тиббий-ижтимоий
реабилитация бўлимининг
Низомини 1-иловага мувофиқ;
2. Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш тизимидаги
наркология ва реабилитация
муассасалари фаолиятининг са-
марасини баҳолаш бўйича
йўриқномани 2-иловага му-
вофиқ;
3. Аноним даволаш самара-
сини баҳолаш бўйича бемор да-
ражасида сўровномани 3-илова-
га мувофиқ;
4. Аноним даволаш самара-
сини баҳолаш бўйича бемор-
нинг қариндошлари даражаси-
да сўровномани 4-иловага му-
вофиқ;
5. Наркология беморларга
кўрсатиладиган тиббий-ижти-
мий реабилитация бўйича
хисобот шаклини 5-иловага му-
вофиқ.

БУЮРАМАН:

1. Қорақалпоғистон Респу-
бликаси Соғлиқни сақлаш вази-
ри, Тошкент шаҳар Соғлиқни
сақлаш Бош бошқармаси ва ви-
лоятлар соғлиқни сақлаш бош-
қармалари бошлиқларига:
1.1. Вилоят наркология дис-

врачлардан, психолог лавозим-
лари – олий маълумотли психо-
логлардан ёки психология кур-
сларида тайёргарликдан ўтган
шифокорлардан таъминлансин;

- 1.5. Олий маълумотли психо-
логлар наркология соҳасида
ишлаш учун иш жойида Респу-
блика наркология марказида,
олий маълумотли тиббий психо-
логлар – Тошкент Врачлар ма-
лакасини ошириш институтининг
психотерапия ва тиббий-ижтимо-
ий реабилитация циклларида
тайёрланиши шарт. Ўрта тиббий
маълумотли ижтимоий ходимлар
Тошкент шаҳар наркология дис-
пансерида иш жойида тайёрла-
ниши шарт;

- 1.6. Наркология ёрдамнинг
барча таркибий тузилмалари
фаолиятининг самарасини баҳо-
лаш тасдиқланган йўриқномага
(3-илова) мувофиқ ташкиллаш-
тирилсин;

- 1.7. ССВ ДПББга ҳар йили
1 май кунига қадар қуйидаги
хисоботлар тақдим қилинсин:
- наркология хизмати фаоли-
ятининг самараси ҳақида йиллик
хисоботни;

- наркология диспансерлари,
наркология шифохоналари,
наркология бўлимларига (шу жум-
ладан мажбурий даволаниш) эга
бўлган руҳий касалликлар ши-
фохоналарида ўтказилаётган
тиббий-ижтимоий реабилитация
бўйича йиллик хисоботни (4-ило-
вага асосан);

- 1.8. Тошкент Врачлар малака-
сини ошириш институтига шифо-

кор-наркологлар, психотерапевт-
лар, психологлар ва ижтимоий
ходимларнинг наркологик бе-
морларга амбулатор ва стацио-
нар реабилитацияси дастури
бўйича ўқишга юборилиши таъ-
минлансин;

- 1.9. Республика наркология
марказига керакли бўлган статис-
тик ва тезкор маълумотлар бел-
гиланган муддатларда тақдим
этилсин.

2. Республика наркология мар-
казининг бош врач Г. Н. Бўри-
хўжаевга:

- 2.1. Республика наркология
даволаш-профилактика муасса-
саларининг фаолияти режали
равишда ўрганилсин, керакли
тезкор маълумотлар йиғилсин,
статистик ва текширув маълумот-
лар асосида наркология хизма-
ти муассасаларининг фаолияти
таҳлил қилинсин ва Соғлиқни
сақлаш вазирлигига тақдим этил-
син;

- 2.2. Аҳолига наркология ёрда-
мини такомиллаштириш бўйича
доимий даволаш тахлиллар иш-
лаб чиқилсин ва наркология бўй-
ича бош мутахассис билан кели-
шилган ҳолда Соғлиқни сақлаш
вазирлигига тақдим этилиши таъ-
минлансин;

- 2.3. Наркология ёрдамнинг
барча таркибий тузилмаларида
профилактика, даволаш-диагнос-
тика, эксперт фаолиятларида та-
шқилиш-услубий ёрдам кўрсати-
лиши таъминлансин;

- 2.4. Олий маълумотли психо-

логларнинг Республика нарко-
логия марказида иш жойида
махсус тайёрланиши ташкил
қилинсин;

- 2.5. Марказ фаолиятининг
самараси ва наркологик бемор-
лар тиббий-ижтимоий реабили-
тацияси бўйича ҳисобот ССВ
ДПББга ҳар йили 1 апрель ку-
нига қадар топширилсин.

3. ССВ бош наркологи Л. А.
Турсунходжаевга:

- 3.1. Қорақалпоғистон Рес-
публикаси ССВ, Тошкент шаҳар
ССББ ва вилоятлар ССББ бош
наркологларига тиббий-ижти-
мий реабилитация бўлимлари
фаолиятини ташкил қилишда,
ва тиббий-ижтимоий реабили-
тация дастурларини жорий
этишда амалий ёрдам кўрсати-
лсин;

- 3.2. Республика наркология
ва реабилитация муассасалари-
нинг фаолият самараси бўйича
йиллик таҳлил ССВнинг ДПББга
ҳар йили 1 июнь кунига қадар
топширилсин.

4. Даволаш-профилактика
ёрдами Бош бошқармаси бош-
лиги В. С. Алимовга:

Республика наркология муас-
сасаларида тиббий-ижтимоий
реабилитация дастурларининг
қиритилиши ва улар фаолияти-
нинг самараси назоратга олин-
син.

Ушбу буйруқ ижросини назо-
рат қилиш вазирнинг биринчи
ўринбосари А. И. Икромов зим-
масига юклатилсин.

Вазир

Ф. Ф. НАЗИРОВ.

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан ПРИКАЗ

22 сентября 2008 года

№ 425

г. Ташкент

Повышение эффективности профилактики наркомании, раннее выявление, привлечение к лечению и реабилитации больных, предупреждение распространения ВИЧ-инфекции требуют совместных усилий наркологической службы, региональных Центров СПИД, Института Здоровья и медицинской статистики, учреждений первичной медико-санитарной помощи.

**В целях обеспечения взаимодействия, предусмотренно-
го п. 4 раздела 1 “Программы комплексных мер противо-
действия злоупотреблению наркотиками и их незаконному
обороту на 2007-2010 годы”, утвержденной постановлени-
ем Государственной комиссии Республики Узбекистан по
контролю за наркотиками № 8/07 от 2.05.2007 г. и “Стра-
тегической программой противодействия распространению
ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан на 2007-2011
годы”, утвержденной заместителем Премьер-министра Рес-
публики Узбекистан 3.07.2007 г.**

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Министерству здравоохранения Республики Каракал-
пакстан, начальникам Глав-
ного управления здравоохра-
нения г. Ташкента и обла-

стных управлений здравоохра-
нения:

- 1.1. Разработать и принять
меры по обеспечению выполне-
ния пункт 4 раздела 1 “Програм-
мы комплексных мер противо-

действия злоупотреблению нар-
котиками и их незаконному обо-
роту на 2007-2010 годы” о взаи-
модействии учреждений нарколо-
гической службы с центрами
СПИД, Институтом Здоровья и
медицинской статистики, учреж-
дениями первичной медико-са-
нитарной помощи по профилак-
тике наркомании, выявлению,
лечению и реабилитации боль-
ных, предупреждению распро-
странения ВИЧ-инфекции;

- 1.2. Организовать проведе-
ние ежеквартальной сверки
учетного центра СПИД и нар-
кологическими диспансерами
ВИЧ-инфицированного контин-
гента больных наркоманией с со-
блюдением принципов конфи-
денциальности;

- 1.3. Обеспечить выдачу спра-
вок всеми медицинскими учреж-
дениями на бесплатной основе

для оформления наркологичес-
ких больных на принудительное
лечение;

- 1.4. Обеспечить предоставле-
ние врачами лечебно-профилак-
тических учреждений, в том чис-
ле учреждений первичной меди-
ко-санитарной помощи, полно-
ценной информации наркопотре-
бителям о структурных подразде-
лениях наркологической службы
и видах наркологических услуг;

- 1.5. Обязать врачей учрежде-
ний первичной медико-санитар-
ной помощи, центров СПИД, со-
трудников пунктов доверия про-
водить мотивирование наркопот-
ребителей на получение нарколо-
гической помощи и направлять
их в наркологические диспансе-
ры и дружественные кабинеты;

- 1.6. Регулярно заслушивать на

заседаниях коллегии управле-
ний здравоохранения регионов
отчеты о проводимых мероприя-
тиях по выполнению настояще-
го приказа.

2. Директору Института Здо-
ровья и медицинской статисти-
ки (З. Д. Муталова) принять
меры по повышению эффектив-
ности профилактики наркоман-
ии и ВИЧ-инфицирования в си-
стеме общественного здравооо-
хранения и учреждений системы
образования посредством ис-
пользования прогрессивных
форм и методов антинаркоти-
ческой пропаганды.

3. Контроль за исполнением
данного приказа возложить на
первого заместителя министра
А. И. Икромова и заместителя
министра Б. И. Ниязметова.

Министр

Ф. Г. НАЗИРОВ.

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан сообщает

Согласно письму № ТАС/212/1/2008 от 1
октября 2008 года, направленному в Мини-
стерство здравоохранения Республики Узбе-
кистан, организация по развитию торговли
Индии (ИПРО) с 31 октября по 3 ноября 2008
года на площади “Прагати”, Дели (Индия)
организует международную выставку здраво-
охранения по традиционным методам лече-
ния, таким, как “аюрведа”, йога и “натуро-
патхи”, “унани”, “сидха” и гомеопатия.
Выставка продемонстрирует сильные сто-

роны индийской системы медицины и гомеопа-
тии, исследований и разработок индийских ин-
ститутов, производство разного оборудования,
компаний, занимающихся оздоровительным ту-
ризмом, страхованием и потенциалом сферы
здравоохранения Индии.

Всем заинтересованным людям
подробная информация доступна
по электронному адресу:
www.aogyainternationalfair.com

Обуна — 2009

**“Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш —
Здравоохранение Узбекистана”**

**газетасига 2009 йил учун обуна бўлиш
мавсуми давом этмоқда.**

**Азиз тиббиёт ходимлари ва муштахширлар! Рес-
публика тиббиёт тизимида амалга оширилаёт-
ган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгилик-
лардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли
газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

Нашр индекси: 128.

**20-21 октябрь 2008 года состоится Республиканская конференция на тему «Современные направления
в диагностике и хирургическом лечении хронической сосудисто-мозговой недостаточности»**

Фармон ва Қарор ижроси амалда

ФИДОЙИЛИК: МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИДИР



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони ҳамда «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон Қарори бўйича республика тиббиёт тизимида ижобий ишлар амалга оширилиб, халқ саломатлиги йўлида самарали фаолиятлар юритилмоқда. Айтиш жоизки, кўплаб тиббиёт муассасаларининг янгидан бунёд этилаётганлиги, айримларининг эса қайта таъмирдан чиқарилаётганлиги ҳамда уларнинг замон талаблари даражасида жиҳозланаётганлиги, шунингдек, малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Албатта, бундай эзгу ишларнинг барчаси жамиятимиз тараққиёти бўлган инсон саломатлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир, десак хато бўлмай-

ди. Бинобарин, бунинг яққол ифодасини республикамиз тиббиёт муассасалари қатори Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли болалар руҳий-асаб касалликлари маркази фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Мазкур марказга кириб борар эканмиз, у ерда даволанаётган, шу билан бирга мактабда таҳсил олаётган болалар учун яратилган шароит ва имкониятлар ҳамда кираверишдаги табиат манзараларининг ўзига хослиги, шунингдек, даволанувчиларга мўлжалланган ўйингоҳ, кичик ҳайвонот боғининг ташкил қилинганлиги бизни бефарқ қолдирмади. Бўлимлардаги фаолиятларни кузатар эканмиз, болалар соғлиги йўлида машаққатли хизмат қилаётган жамоа ходимларининг меҳнатига тан бермай илож йўқ. Шу боис, биз муассасадаги шароитлар билан чуқурроқ танишиш мақсадида шифокор, ҳамшира ҳамда кичик тиббиёт ходимлари билан суҳбатда бўлдик.

Лейла МИРЗАЕВА,
Тошкент шаҳар болалар руҳий-асаб касалликлари маркази бош шифокори:

— Муастакиллик шарофати билан юртимизда муайян ишлар амалга оширилиб, жамият тараққиётида катта ўзгаришлар юз берди. Ҳар бир соҳадаги туб бурилишлар, янгиликлар замиридаги амалий фаолиятлар туфайли республикамизда аҳамиятга молик ишлар қилинмоқда. Шу жумладан, тиббиёт тизимида ҳам ижобий фаолиятлар ўз аксини топмоқда. Кўплаб тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётганлиги, шунингдек, айримларининг мукамал таъмирдан чиқарилаётганлиги, янги технологиялар билан жиҳозланаётганлиги ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлигини халқимиз саломатлиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлардан деб биламан. Айтиш жоизки, марказимиз фаолияти янада такомиллашиб, даволанувчилар учун давр талабига мос равишда имкониятлар яратилди. Жумладан, муассасамизда ёпиқ стационар, кундузги стационар ҳамда санаторий бўлиmlари мавжуд бўлиб, унда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи руҳий-асаб касалликлари билан хасталанган болалар даволанишади.

Бундан бир неча йиллар олдин шароитларимиз бу даражада эмас эди. Эътироф этиш жоизки, «Меҳр нури» фонди ҳомийлигида иккита бўлим қайта таъмирдан чиқарилди, санаторий бўлими эса янгидан бунёд этилди. Шунингдек, фонд ташаббуси билан даволаниш, маънавият, ўқув, муолажа, компьютер хоналари қаттиқ ва юмшоқ жихозлар ҳамда янги технологиялар билан таъминланди. Бу албатта, бемор болалар тезда соғайиб кетишлари ҳамда маънавий ва маърифий томондан тарбияланишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, руҳий-асаб касалликлари билан оғриган болаларни ўз вақтида даволамаса, унинг чуқур асоратлари жиддий тус олиши мумкин.

Бўлимларимизда болалар касаллик турига қараб даволанишади. Ёпиқ стационар бўлими 30 ўринга эга бўлиб, унда ақли заифлигининг оғир ва чуқур тури, тутанок, шизофрения ҳамда шахсият ўзгариши билан кечадиган касалликка мойил бўлган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар даволанишади. Кундузги стационаримизда эса ақлий заифлигининг енгил даражасидаги бе-

Болалар қалбига йўл топиш шифокордан хушмуомалаликни талаб этади.



мор болалар муолажалар олишади. Санаторий бўлими 100 ўринга эга бўлиб, унда дудуқланиш, тунги сийғоқлик, ақлий заифлигининг енгил даражаси, невротения, ақлий ривожланишдан орқада қолган, шунингдек, тан жароҳати олган ва унинг асоратлари қолган 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган бемор болалар маълум муддатда керакли даво муолажаларини олиб кетишади. Марказимизга асосан пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг айрим ҳудудларида истиқомат қилаётган, яъни мазкур касаллик билан хасталанган болалар қабул қилинади. Қабул жараёнигача болаларнинг соғлиги яшаб турган ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида назоратга олинди, уларда кечаётган касаллик турига қараб, бўлимларга йўланма берилади. Шундай экан, ҳар бир бўлимнинг ўз режаси бўлиб, шу асосда фаолият олиб боради. Албатта, бу йўналишда ишлаш мутахассисдан чуқур билим, тажриба, шунингдек, сабр-тоқат талаб қилади. Ана шундай машаққатли ва масъулиятли бурни ўз зиммасига олган ходимларимиз бор куч ҳамда имкониятларини ишга солиб, бемор болалар ўз вақтида даволаниб, соғайишларида ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Наргиза ИСКАДЖАНОВА,
даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари:

— Айни кунда муассасамизда 73 нафар ходим бемор болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шулардан 4 нафар шифокор, 15 нафар ҳамшира, 16 нафар ўқитувчи, 14 нафар кичик тиббиёт ходимлари бемор болаларни даволаш, таълим-тарбия бериш ҳамда уларнинг тоза ва озодлиги учун беминнат хизмат қилиб келмоқдалар.

Марказимизга даволаниш учун аниқ ташхис асосида келган болалар, албатта, бўлим шифокорлари томонидан тек-

уч ойлик таътил даврида соғломлаштириш лагеримиз ишга тушади. Унда соғлом, лекин ривожланиши орқада қолган 120 нафар (ҳар ойда) бола даволанади. Яна шунини таъкидлаш жоизки, фаолият давомида шифокорларимиз (руҳий-асаб касалликлари шифокорлари) билан бир қаторда психолог, логопед, невропатолог мутахассислари ҳамкорликда иш олиб боришади. Болалар ташқари, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг болалар ва ўсмирлар психиатрия кафедраси доценти Мурод Турсунходжаев ҳафтанинг ҳар сешанба куни Марказимизга келиб, болалар соғлигини назорат қилиш билан бир

топиш, даво муолажаларини ҳушёрлик билан ўтказиш соҳа мутахассисдан фидойиликни талаб қилади.

Татьяна ВАРФОЛОМЕЕВА,
ёпиқ стационар бўлими бошлиги:

— Бўлимимиз ўз номидан кўриниб турибдики, унда асосан касаллиқнинг оғир тури билан хасталанган болалар даволанишади. Тўғриси айтганда, бўлимдаги болалар келган вақтларида касаллиқнинг ўткир ҳужуми билан ётқизилади. Уларни текширувдан ўтказгач, керакли муолажаларни тезда бошлаб юборамиз. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, улар биргина доридармон ёки муолажалар билан эмас, балки ходимларимизнинг ширин муомаласи ҳамда бўлимдаги шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан тузала бошлайдилар. Бунинг ифодаси сифатида айтиш жоизки, ўғил ва қиз болаларнинг ётоқлари алоҳида, хоналар замонавий кроватлар ҳамда тоза чойшаб ва кўрпалар, шунингдек, маданий хордиқ чиқаришлари учун дам олиш хонаси, замонавий тарздаги ошхона ва ювниш хоналарининг давр талаби даражасида эканлиги уларнинг руҳий кайфиятларини яна кўтаради.

Оксана ВЕРЛОБЦЕВА,
ёпиқ стационар бўлими ҳамшираси:

— 12 йилдан буюн ҳамширалик касбини ардоқлаб ке-



Мавжуд замонавий шароитлар болажонлар қалбини қувончга тўлдирди.

ширилиб, керакли муолажалар тавсия қилинади. Ёпиқ стационарда даволанаётган болалар асосан дори-дармон воситалари билан таъминланади. Бошқа даво муолажалари билан даволаниш бўлимидаги шароитлардан фойдаланишади. Шунингдек, улар учун алоҳида махсус синфлар ёрдамчи программа асосида иш олиб боради. Кундузги стационарда эса касаллиқнинг енгил тури билан оғриган бемор болалар ота-оналари ҳамроҳлигида келишиб, даво муолажаларини кун давомида олиб кетишади. Санаторийдаги бемор болалар ўқув жараёнларини давом эттириш билан бир қаторда керакли муолажаларни даволаш бўлимидан олишади. Айтиш жоизки, ёпиқ стационарда даволанувчилар доимий эмас, балки тузалишлари билан ўз оилаларига қайтишади. Санаторийдаги болалар эса ўқув программасининг бир чорагида керакли даво муолажалари ва таълим-тарбияни бир вақтнинг ўзига олишади. Сўнгра, навбатда турган, яъни ҳар чоракда назоратга олинган бошқа бемор болалар келишади. Тўртинчи чорак тугагандан сўнг



Кўркам ва шинам синф хоналарида сеvimли ўқитувчи билан дарс ўтишининг гашти ўзгача.

қаторда, ота-оналарга керакли тавсия ва маслаҳатларини беради. Маълумки, ҳар бир тиббиёт ходими ўз мутахассислиги бўйича мукамал тажрибага эга бўлмаса, бу соҳада ишлаш қийин кечади. Айниқса, руҳий-асаб касалликлари йўналишида фаолият олиб бориш осон эмас. Бу борада хасталанган беморлар қалбига йўл

ламан. Мазкур марказда фаолият юритар эканман, ишимиз қанчалик оғир ва масъулиятли эканлигини ҳис қилдим. Ҳар бир касаллиқнинг ўзига яраша томонлари бўлади. Шунда мутахассис бемор билан баравар озор чекади. Айниқса, болалар билан ишлаш,

(Давоми 5-бетда).

Фармон ва Қарор ижроси амалда

ФИДОЙИЛИК: МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИДИР

уларнинг қалбига йўл топиш осон эмас. Бўлимимизда ҳам хаста болалар кўнглига қараб иш тутмасак, қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Бунинг учун ҳар биримизда касбий маҳорат, билим ва тажриба шаклланган бўлиши лозим.

Роза ЭРГАШЕВА,
диспансер бўлими
бошлиғи:

– 40 йилдан буён руҳий-асаб касалликлари шифокори лавозимда ишлаб келмоқдаман. Шу нарсани айтмоқчиманки, кўпчилик ушбу касаллик тўғрисида нотўғри фикрга боради. Лекин бу касаллик ҳам ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Бунга ҳар қандай ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун мутахассислиги йўналишга мос бўлган шифокорга мурожаат қилинсагина, касалликка тўғри ташхис қўйилиб, даволаш жараёни осон кечади. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган руҳий-асаб касалликлари шифохоналарининг амалдаги ишлари беморларни даволашда ва хасталикнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Марказимизга Тошкент шаҳрининг 11 та туманида истикомат қилаётган, юқоридаги касалликка мойил бўлган назоратдаги болалар қабул қилинади. Уларни қабул қилиш жараёни осонликча ҳал этилмайди. Ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидоги оилавий поликлиникаларда руҳий асаб касалликлари шифокори бўлиб, улар доимий тарзда ана шундай касалликка мойил болаларни аниқлаб боришади. Касалликлар асосан мактабгача тарбия муассасалари ҳамда мактаблардаги ўқувчилар соғлигини текшириш жараёнида аниқланади. Мутахассислар 4 кун давомида поликлиникада, 2 кун эса профилактика ишлари билан шуғулланишади. Ҳафтининг ҳар сешанба кuni улар марказга келишади ва режадаги йиғилишда иштирок этиб, ҳисобот беришади ҳамда керакли тавсияларни олиб кел-

(Давоми. Боши 4-бетда).

тишади. Ишимизни фаоллаштириш мақсадида невропатологлар билан олиб борилаётган ҳамкорлигимиз ҳам яхши йўлга қўйилган. Ота-оналар фарзандлари гўдаклик вақтидан соғлиқларини назорат қилиш учун шифокорга мурожаат қилсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Ноҳира АБДУРАҲМОНОВА,
санаторий бўлими
муdiri:

– Мана саккиз йилдирки, руҳий-асаб касалликлари шифокори вазифасида ишлаб келмоқдаман. Бу йўналишда фаолият юритиш шифокордан ўта хушёрлик ва касбга садоқатни талаб этади. Айниқса, болаларда кечадиган руҳий-асаб касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун маълум фурсат керак бўлади. Тиббиёт ходими шошилмасдан касаллик белгиларини синчиклаб ўрганиб, шунингдек, касалликнинг пайдо бўлиш ҳолатларини тўлиқ билиб олгандан сўнггина тўғри ташхис қўйиши лозим. Санаторийимизда даволанаётган болалар соғайиб кетишлари учун барча шароитларимиз мавжуд. Бўлимимизда асосан дудуқланиш, тунги сийғоқлик, аклий заифлиқнинг энгил даражаси, невротения, аклий ривожланишдан орқада қолган, бунинг баробарида эса турли ҳолатларда тан жароҳати олган пайтдаги асоратлар билан оғриган болалар даво муолажаларини олиш билан бир қаторда, таълим жараёниларини узлуксиз равишда давом эттирилади. Этироф этиш жоизки, марказимизда болалар учун маънавият ва маърифат, компьютер, жисмоний

тарбия ҳамда ўқув хоналарининг замон талаблари даражасида жиҳозланганлиги улар ҳам ақлан, ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топишларида асосий ўрин тутди. Шифокор сифатида айтмоқчиманки, ота-оналар фарзандларининг соғлиги учун этиборли бўлиб, шифокорга ўз вақтида мурожаат этсалар ҳамда даво муолажаларини мутахассис маслаҳати ва тавсияларига амал қилган ҳолда олиб борсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мавжуда ЗУПАРОВА,
санаторий бўлимининг
кичик тиббиёт
ходими:

– Болаларни жуда яхши кўраман. Улар безор. Яхши гап, тозалик ва озодалик ҳар қандай



Тоза ва озода чойшабларда мириқиб ухлаганга нима этсин!



Вақтида олинган физиотерапия муолажалари бемор тузалиб кетишида асосий ўринга эга.



Болаларда миллий мафкурани шакллантиришда мураббийнинг касб маҳорати алоҳида ўринга эга.

беморга нажот бахш этади. Мана уч йилдирки, ушбу муассасада хизмат қилиб келмоқдаман. Бўлимимиздаги болалар уч ой давомида бизнинг ихтиёримизда бўлишади. Бемор болаларни ота-онаси каби оқ ювиб, оқ тарашни бўйимизга олган эканмиз, бутун диққат-этиборимизни уларнинг тузалиб кетишига қаратамиз. Чин дилдан меҳнат қилмоқ, бемор қалбга озор етказмаслик савобли ишлардан бири эканлигини яхши биламиз. Шу боис, нажот излаб келган ҳар қандай беморни, айниқса, болалар кўнглини ўқситмаслигимиз ҳамда уларнинг дардига малҳам бўлишимиз керак, деб уйлайман.

Мазкур марказдан қайтар эканмиз, у ерда ўз билим ва касбий маҳорати ила фидойиларча иш олиб бораётган соҳа мутахассислари меҳнатини кўриб, улардаги иштиёқ ва шижоат ҳамда саъй-ҳаракатлар болалар соғлиғи йўлида қилинаётган эзгу ишлардан бири эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Айниқса, «Меҳр нури» фонди томонидан бемор болалар соғлигини тиклаш ҳамда ходимлар фаолияти учун яратилган эътирофли фикрларни тинглар эканмиз, ҳақиқатда ҳам ушбу марказдаги шароитлар киши руҳиятини янада кўтарди. Машаққатли ҳамда масъулиятли касбда ишлаётган юқоридаги муассасанинг аҳил жамоасига соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА ва
Анваржон САМАДХОДЖАЕВ.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Специалист предупреждает

ПРОФИЛАКТИКА ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА «А»

Гепатит – это воспаление ткани печени. Вирусный гепатит «А» (ГА) – это острое инфекционное заболевание, относящееся к кишечной группе вирусов, протекающее с преимущественным поражением печени. Возбудитель гепатита А – вирус, который относится к кишечной группе вирусов – энтеровирус. Данное заболевание вызывается гепатотропными вирусами, которые способны размножаться только в клетках печени. Это означает, что вирусы берутся только из организма другого человека, у которого уже есть вирусный гепатит.

После попадания вируса в организм здорового человека проходит скрытый, так называемый инкубационный период, который при гепатите А длится от 14 до 35 дней. Затем начинается проявление болезни: повышается температура, головная боль, снижается аппетит, наблюдаются вялость, тошнота, рвота. У большинства заболевших отмечаются катаральные явления, покраснение зева. Моча темнеет, приобретает цвет пива, фекалии же, наоборот, светлеют.

Источником инфекции вирусного гепатита А является только больной человек. От больного вирус выделяется в основном испражнениями, меньше – с мочой. В организм здорового человека вирус заносится грязными руками или при употреблении продуктов, овощей, фруктов, на которые был нанесен вирус. Заражение может произойти при купании в водоемах, загрязненных хозяйственно-фекальными стоками.

Вирус устойчив во внешней среде. При температуре +4°C сохраняется в течение несколь-

ких месяцев, при низких температурах -20°C и ниже – несколько недель. При кипячении вирус погибает через 45 минут.

ГА может протекать в желтушной форме, то есть с появлением желтушного окрашивания слизистых оболочек глаз, кожных покровов. Но в некоторых случаях могут быть и безжелтушные формы, чаще всего у детей. При той и другой форме заболевания прежде всего поражается печень, что проявляется в виде ощущений тяжести в правом подреберье, увеличением печени.

Вирус гепатита А начинает выделяться с испражнениями больного значительно раньше, чем появляется желтуха, то есть в преджелтушном периоде. Именно в этом периоде болезнь наиболее опасна для окружающих, то есть именно в это время наиболее высок процент за-

ражения. С появлением желтушного окрашивания склер, кожных покровов выделение вируса резко уменьшается, в результате чего его заразительность снижается.

Контакт с больными желтушной формой гепатита является более опасным, так как у них отсутствует основной дифференциальный признак болезни – желтуха, но выделение вируса продолжается. Нужно знать и помнить, что любой формой гепатита А является источником заражения для окружающих.

Меры профилактики ГА, как и других кишечных инфекций, просты и доступны каждому. Но чтобы уберечь

